

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ВА
ТАЪЛИМИДАГИ МУАММОЛАР»

Республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ



Жиззах, 18 июнь 2022 йил

Использованная литература:

- Басик С.Н. Общая топонимика. – Минск: БГУ, 2008. – 168с
- Жучкевич В.А. Общая топонимика (учеб.пособ. для ВУЗов.).-Минск; Высшая школа, 1980.-288 с.
- Мурзаев Э. М. Топонимика и география. – М: Мысль, 1995.
- Поспелов Е. М. Топонимический словарь. Астрель, АСТ, 2005 - 230с.
- Поспелов Е. М. Географические названия мира. Топонимический словарь. АСТ, Астрель, Русские словари, 2002 - 512 с.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ БАЪЗИ ГЕОГРАФИК ЖОЙ НОМЛАРИ

Намозов Жўрабек Абдуазизович

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Тошимуродова Соадат Эштемир қизи

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Магистрант

Эргашев Фахриддин Ўралбой ўғли

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Магистрант

Аннотация: Маъқолада Қашқадарё воҳаси ва унинг атрофларида кўнгирот, мангит ва бошқа уруғларининг вакилларининг яшаган даврлар ҳақида ва ойконимлари, оронимлари, гидронимлари, сув объектлари, вилоятнинг қисқача топонимик жой номлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Вилоят, туман, ҳудуд, сарой бачча, тоғ булок, дарё, соӣ, сув, тоғлар ўсимлик, уруғ, мангит, қабила.

SOME GEOGRAPHICAL LOCATION NAMES OF KASHKADARYA REGION

Annotation: The article provides brief information about the period of the Kashkadarya oasis and its environs by the representatives of the Kungrad, Mangit and other tribes, as well as the names of oikonyms, oronyms, hydronyms, water bodies, short toponymic places of the region.

Keywords: Region, district, territory, palace garden, mountain spring, river, stream, water, mountains plant, seed, mangit, tribe.

Қашқадарё вилояти майдони жиҳатидан республикада йирик вилоятлардан бири. Вилоят республиканинг жануби шарқида, Қашқадарё хавзасида жойлашган, шарқидан Ҳисор ва Зарафшон тизмалари ўраб туради. Маъмурий маркази - Қарши шахри. Қашқадарё воҳаси кадимий маданият марказларидан биридир. Аҳолисининг асосий қисми ўзбеклар, шунингдек, тоҷиклар, туркманлар ва бошқа миллат ва элат вакллари ҳам учрайди. 20-асрнинг бошларигача хозирги Қашқадарё вилояти худудида яшаган аҳолининг кўпчилиги уруғ-аймоқларга бўлинар эди. Масалан, Қарши шахри ва унинг атрофларида мангит, сарой, ковчин, қатагон, кутчи, қипчоклар, хитой, қирқ юз

қабилалари, Шахрисабз ва унинг атрофларида кенагас, сарой, қутчи, турк, қатағон, қалмоқ, қангли, чуют, қиёт, қўнғирот, мажор, манғит, митан, мўғул, найман, саёт қабилалари, Фузор ва унинг атрофларида кўнғирот, манғит ва бошқа уруғларнинг вакиллари яшаганлар. Шунинг учун хам Қашқадарё вилояти топонимлари орасида этонимлар катта ўрин тутади. Муболағасиз айтиш мумкинки, вилоят топонимиясида ўзбекларнинг кўпчилик уруғ-аймоқларининг номлари сақланиб қолган.

Ойконимлари – Вилоятда 1200 га яқин қишлоқ ва шахар бор. Ойконимлар орасида юқорида айтилгани каби, қабила-уруғлар ва уларнинг майда шахобчалари номлари катта ўрин тутади. Қашқадарё, шунингдек, Сурхондарё этонимларининг бошқа худудлардаги уруғ-аймоқлар номларидан фарқи шундаки, кичик уруғлар ва уларнинг шахобчаларининг номлари орасида бачча (ўғли) этонимик термини кўп учрайди: ахсақбачча, боқибачча, лулибачча, муллабачча, муроббачча, неъматбачча, нодирбачча, норбачча, пўлатбачча, шашбачча, эрбачча, эшбачча, ўрзбачча, ҳожибачча. Шу билан бир қаторда этонимларнинг -ли қўшимчаси -ни шаклида талаффуз қилинади: жилонни, кўктўнни, оқтўнни, қоратўнни. Этнонимларда, умуман топонимларда шевавий тафовутлар яққол кўзга ташланади: жаловли (яловли), жайлма (ёйилма), жилонтамғали (илонтамғали), жобу (ёбу), жилғинли (юлғунли), жорма (ёрма), жуз (юз) ва б.

Чигатой – антропотопоними ва этнотопоними вилоятда Чагатой, хатто Чақатой шаклларида учрайди. Кўпчилик хорижий мамлакатларда Чингизхоннинг иккинчи ўғлининг исми ва Чигатой улуси халқи Чагатай шаклида ёзиб келинади. Темурийларнинг Шайбонийларга қарши кураши даврида Моворауннахрнинг хам туркий, хам форсий тилли аҳолиси чагат ойлар дейилган. Ўзбекистон ва Тожикистонинг жанубий туманларида тожик тилли чагатойлар ҳозир хам бор. Самарканд вилоятида ҳам Чагатой деган қишлоқлар бор эди; улар ҳам Чигатой қилиб ўзгартирилди. Тожикларда чагатои деган кадимги пояфзал бўлган экан. Демак, бу антропотопонимни синчиклаб текшириш керак бўлади.

Оронимлари – Вилоят Қашқадарё хавзасида ва **Помир-Олой тоғларининг** ғарбий чеккасида жойлашган. Худудининг кўпчилик қисми текислик - шимоли-шарқида **Китоб-Шахрисабз текислиги**, Қашқадарёнинг ғарбида **Фузор текислиги**, шимоли-шарқида **Қарши чўли**, жанубда **Нишон чўли** ва жануби-гарбида **Сандиқли қумли чўли** бор. Шимоли-шарқ ва жануби-шарқдан чўлларни **Зарафшон тизмасининг** тармоқлари (Қоратепа, Чакирикалон тоғлари) ва **Ҳисор тоғ тизмасининг Яккабоғ, Эшакмайдон, Кўкбулоқ Чакчар Қорасирт, Дехконобод тоғлари** ўраб туради. Бу тоғлардан ҳар бири яна бирқанча тизмаларга, тармоқларга бўлиниб кетади; тоғлар орасида бирқанча водийлар, даралар бор; чўққиларсиз, довонларсиз тоғларни тасаввур қилиб бўлмайди.

Оронимлар ҳакида сўз кетганда, авваламбор рельеф шакллари номлари таркибида учрайдиган оронимик терминлар ҳакида гапириш керак бўлади, чунки, бундай сўзлар оронимларнинг турини кўрсатадиган индикаторлар - даракчилардир. Шуни айтиш керакки, топонимлар бир канча ҳолларда адабий тил нормасига бўйсунмайди, шевавий шаклларда талаффуз қилинади; масалан, адабий тилдаги тоғ термини баъзи жойларда тов шаклида талаффуз қилинади: **Етимтов** (Камаши тумани), **Какликов** (Яккабоғ тумани), **Косонтов** (Косон тумани), **Оқбоштов, Оққўлтов, Оқработтов, Сакиртов, Сейпилтов, Қайпалтов, Қизилтов, Қўнғиртов** (Дехконобод тумани), **Чолтов** (Камаши тумани), **Қирқтов** (Китоб тумани), **Қўнғиртов** (Чирокчи

тумани); тоғ термини фақат икки ороним - **Қоратоғ** ва **Қўрғонтоғ** (Шахрисабз тумани) таркибида учрайди. Айрим турган “**тоғ**” ёки “**қоя**” маъносидағи тош термини **Тұятош** (Дехқонобод тумани), **Угуртош** (Чирокчи тумани), **Яктош** (Китоб тумани) оронимларини ҳосил қилган; **Оқбулоқгаза**, **Сўригаза**, **Қизилгаза** (Қамаши тумани) оронимлари таркибидаги *газа* индикатори “тоғ қирраси” маъносида республикада кўп учрайди. “**Кемтик**” (камтиқ) маъносида кам термини тоғ тизмасининг кўпинча йул ўтадиган пастроқ қисмини билдиради: **Дарвозакам** довони, **Эгаркам** тоғи (Шахрисабз тумани), шу тумандаги **Кам тоғлари**. Бел термини “довон” маъносида бир неча марта такрорланади: **Музбел**, **Қорабелтов** (довон, Шахрисабз тумани), **Ўртабел** (довон, Миршикор тумани). **Ақба** (арабча) “довон”, тоғ йули демакдир: **Калонақба** “катта довон” (Китоб тумани), **Оқбойкалон** довони (Қамаши тумани) ҳам айнан уша маънода, бунда фақат олдин термин, кейин сифат келган: **Ақбаи калон**. Ороним индикаторлардан “тоғ орқаси”, “тоғ елкаси” маъносидағи сирт (**Қорасирт тоғи**, Дехқонобод тумани), “пастрок, тоғларнинг чағиртошли офтоборуй ёнбағри” маъносидағи *чагат* (**Қораҷағат тоғи**, Дехқонобод тумани), “узунасига чўзилган баландлик” ни билдирган қур (**Қорақир тоғи**, Нишон тумани), “тоғ тармоғи”, “дара” маъносидағи қўл **Оққўлтov** тоғи, Дехқонобод тумани, **Учқулсой жарлиги** - Ғузор тумани) терминларини айтиб ўташ мумкин.

Вилоят оронимларини ҳосил қилган терминлардан бири қоқ индикаторидир. Географик адабиётда қоқ, деганда кўпинча чўллардаги ёғин суви тўпланадиган кўлмаклар назарда тўтилади. Тоғларда ҳам қоя бўшлиқларида, ўйикларида қор-ёмғир сувлари тўлиб қоладиган чуқурлик **қоқ**, (тош қоқ) дейилади; чуқурроқ қоқларнинг суви ёзнинг ярмигача туриши мумкин (теварак-атрофдаги жоноворлар ана шундай қоқлардан сув ичади).

Кўпгина оронимлар тушунарли бўлса метафорик-мажозий маъноларда келади: **Белисиник**, тоғ (Ғузор тумани) “ўрта қисми паст тоғ”, **Етимтov** (Қамаши тумани) - “ёлғиз тоғ ”, **Жаҳоннамо** тоғ (Дехқонобод тумани) “ тоғ тепасидан гўё бугун дунё кўриниб турадиган тоғ; **Ичаксой** жари (Яккабоғ тумани) “ичақдай узун, иланг-билинг жар”, **Саксондара тоғи** (Нишон тумани) - “сердара, даралари кўп тоғ”, **Осмонбулоқ тоғи** (Дехқонобод тумани), “тоғ тепасидага булок”, **Хонтахта тизмаси** (Қамаши тумани) “усти супадай текис тоғ”, **Элликбош тизмаси** “серчуққи тоғ” (Дехқонобод тумани).

Хайвон номлари билан аталган тоғлардан **Дўлтали тоғи** - дўлта ёки дўлтабўри - “сиртлон” (Муборак тумани), **Захчахона** тизмаси (Шахрисабз тумани), **Қакликтов** (Яккабоғ тумани), **Харкуш довони** (“Эшак улди”, Дехқонобод тумани), **Чивирткали тоғи** (чивиртка-чигиртка, малах, Дехқонобод тумани), **Эшакмайдон довони** - “эшак ҳам ўтиб кетадиган текис довон” (Қамаши тумани).

Вилоят худудидаги оронимлар орасида ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан ботиқ номлар ҳам бор. Масалан, Самарканд билан Шахрисабз шаҳри орасидаги Тахтақорача довонидан кимларгина ўтмаган; унинг номи ҳам киши эътиборини тортади. В.В.Бартольд довон Темурнинг 1398 йилда қурилган Тахтақорача деган сарой номи билан аталган дейди. Довон **Тахта Қорача**, **Инмакданаки** деб ҳам аталган. Оронимнинг этиологияси ҳамон маълум эмас.

Бойбурсой деган сойлик (Муборак тумани) нега “Алломиш” достонининг бош қаҳрамонларидан бирининг номи билан аталган? Топонимияда бундай жумбоклар кўп. Дехқонобод туманидаги бир тизма тоғ **Итбахмасбел** деб аталади. “Бу тоғга ит ҳам

боқмайди, қарамайди, узок,” деганимикин ёки бу бирон уруг-қабила номимикин? Қирғизларнинг чекирсаёк кабиласи таркибида *итбоқмас* деган уруг бўлган экан. Умуман олганда бутун республикада бўлгани каби Қашқадарё вилояти оронимлари орасида хам синчилаб текширилиши, тадқиқ қилиниши керак бўлган, этимологияси номаълум оронимлар анчагина учрайди. Бундай топонимлар, форс тили ёрдамида хам аниқдаб бўлмайдиган қадимги, чунончи сүғдий номлар бўлса керак.

Гидронимлари – Вилоятнинг энг катга дарёси **Қашқадарё**, унинг ирмоқлари - **Жиннидарё, Оксув, Танхоздарё, Ғузордарё;** Қоратепа тоғининг жанубий ёнбагридан йигирмага яқин сой окиб тушади (**Шуробсой, Макридсой, Оёқчисой, Қалқамасой** ва б.). Сув номлари хақида гап кетганда биринчи галда Қашқадарё гидронимининг этимологияси эсга келади. **Қашқа** компонентли топонимлар бир-биридан фарқ килади. - ўсимликсиз баланд қўй тепаликлари; **қашқатепа** – ёлғиз баланд тепалик; **қашқасув** – тиник тоғ суви; **қашқайул** - тик тоғ йўли. Шахрисабз туманида бир сой **Қашқабулок** деб аталади. Зомин туманида хам **Қашқабулок** деган чашмалар бор. Масалан, шу туманнинг Қорамозор қишлоғи ёнида **Қашқабулок** тоғ тепасида яхлит тош тирқишидан чикиб ётибди. Демак, бу ерда қашқабулок – “тиник, тоғ сув».

Қашқадарё гидронимининг келиб чиқишини олимлар бошқачарок изохлайдилар. В.В.Бартольд Қашқадарё гидроними қадимги Кеш (тўғриси - Қаш): хозирги Шахрисабз номининг фонетик жихатдан ўзгариши оқибатидир деб ёзган эди. Демак, бу дарё аввал Кеш (Қаш) дарёси деб, Амир Темур даврида Хашка (Хашқаруд) деб аталган ва кейинчалик **Қашқаруд**, нихоят Қашқадарё бўлиб кетган.

Гидронимлар таркибида қашқа терминидан ташқари *аччи, шўр, тахир* (Аччисой, Дехқонбод тумани), **булок, дарё, қўл, сой, сув, чаима, ширин, шўр, қудук** каби гидронимик индикаторлар кўплаб такрорланади.

Сув объектлари орасида эл-элат, уруг-аймок номлари билан аталган гидронимлар учрайди: Араббанд (дарё, Чирокчи тумани), Азлартепа (қудук, Чирокчи тумани), Миришкор (канал, Миришкор тумани), Пўлоти (канал, Косон тумани), Чимбой (сой, Қамаши тумани), Ҳезалак (сой, Чирокчи тумани); ўсимлик номларидан таркиб топган гидронимлардан Зиркбулок, (Дехқонбод тумани), Иргайлик (сой, Қамаши тумани), Чинорсой (Китоб тумани), Юлғунли (сув омбори, Миришкор тумани) кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Мажозий (метафорик) гидронимлар хам учрайди: Жиннидарё (Китоб тумани), Йутансой (йутандой-сулоқмондай, “катта, ўлкан”, Китоб тумани).

Қамаши туманидаги **Мамарли** гидроними дикқатга сазовордир. Мумтоз адабиётда *мамар* “кечик”, “сув йули” маъносини англатади. Бир канча дарё-сойлар номларини маҳсус тадқиқотсиз изохлаб бўлмайди. Бундай жумбок номлар топонимиянинг ҳамма соҳаларида, ҳамма жойларда ўчрайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. - Т.:Давлат илмий нашриёти, - 2005.
2. Мадрахимов З. Тарихий топонимика. - Т.:Наврӯз" нашриёти - 2017.
3. www.wikipedia.com.

Niyozova H.Y. Qizilqumning mahalliy suv zahiralari va ularning tasnifi.....	474
Alimardonov L.G'. Qashqadaryo daryosi oqimining shakllanishiga gidrometeorologik omillarning ta'siri.....	478
Ergashev A.H. Mengliboyeva F.B. Global iqlim o'zgarishining iqtisodiy va ijtimoiy geografik muammolar.....	483
Юлдашов А.У., Тоймбоева Д.А., Товбоев Ф.З. Ўзбекистоннинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.....	488
Uroqova F.A., Nurmatov R.M. Qashqadaryo viloyati suv omborlarining geografik.....	495
Зикиров Б. Я., Суюнов З.Р. Жиззах вилояти йирик сув ҳавзаларининг атроф ландшафтлар микроклимига таъсири.....	498
4-SEKSIYA.GEODEZIYA VA KARTOGRAFIYA, TOPONIMIKA VA GEOGRAFIK TERMINSHUNOSLIK YO'NALISHI BO'YICHA	
Аббасов С.Б., Валиева Ш.И. Географик объектларнинг топонимик таснифи ва уларни гурухлаштириш масалалари.....	502
Fozilova D.Sh., Burxonov M.B. Landsat-8 sun'iy yo'ldoshi tasvirlari asosida chorvoq suv ombori sathining monitoring.....	506
Миракмалов М.Т., Ҳакимов Қ.М., Авезов М.М. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари топонимларининг табиий географик хусусиятлари ва тарқалиш қонуниятлари.....	507
Авезов С.А., Гулімматов И.Б., Каримов Ж.А., Матякубов М.М. Кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказишида ва янгилашда ГАТ маълумотлар базаларининг имкониятларидан фойдаланиш.....	514
Сейтниязов К.М. Некоторые вопросы трансформации географических названий.....	519
Намозов Ж.А., Тошмуродова С.Э., Эргашев Ф.Ў. Кашқадарё вилоятининг баъзи географик жой номлари.....	521
Авезов М.М., Миракмалов М.Т. Бухоро вилояти географик номларининг ўрганилиши.....	525
Raupova N., Allanazarov O. Kadastr kartalarini shakllantirishda zamonaviy gat texnologiyalari.....	529
Пренов Ш.М., Рахимова З.И., Саидахматов Ф.Т. Маданий мерос объектлари ва туризмни гат да харитага олиш масалалари (Хоразм вилояти мисолида).....	532
Нормуродова X.Ў. Кашқадарё вилояти топонимларининг табиий географик хусусиятлари.....	537
Meyliyev I.A., Raxmonov D.N. Ma'muriy-hududiy birliklar chegaralarini belgilash, yer resurslarini xatlovdan o'tkazish ishlarini tashkil etish va bajariladigan ishlar tartibi.....	540